# МАВЗУ:
# “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари”

# Режа:

1. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг моҳияти ва асоси.
2. ФВ бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.
3. ФВ бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.
4. ФВ бўйича Ўзбекистон Республикаси стандартлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруқлари.

# Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг моҳияти ва асоси



Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари шунчаки мавҳум характерда бўлмайди, ҳамда ҳар қайси минтақада ўз хусусиятлари, хавф соладиган ўз манбалари ва хавфсизликни сақлайдиган ўз омиллари бўлади.

И .А. Каримов

**1996 йил 4 мартда**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президентининг**
**“Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги**
**ПФ-1378-сонли Фармони чиқди**



**1996 йил 11 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги 143-сонли Қарори қабул қилинган**

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1378-сонли Фармонига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги ПФ-2153 - сонли Фармони








**1997 йил 23 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**“Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида”ги 558-сонли**

**Қарорини қабул қилди.**

**(2011 йил 24 августда 242 –сонли қарор қабул қилиниши билан 558-сонли қарор ўз кучини йўқотди)**

ФВДТ

ҲУДУДИЙ ҚУЙИ ТИЗИМ

ФУНКЦИОНАЛ ҚУЙИ ТИЗИМ

ДАРАЖАСИГА КЎРА

РЕСПУБЛИКА

МАҲАЛЛИЙ

ОБЪЕКТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 27 октябр куни

**“Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли**

Қарорини қабул қилди

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБИГА КЎРА

- ТАБИИЙ
- ТЕХНОГЕН
- ЭКОЛОГИК

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР КЎЛАМИГА КЎРА

- ЛОКАЛ
- МАҲАЛЛИЙ
- РЕСПУБЛИКА
- ТРАНСЧЕГАРАВИЙ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 7 октябр куни "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги 427-сонли Қарорини қабул қилди**

# РАҲБАРЛАР ВА ИШЧИ ХОДИМЛАР, ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ










Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 йил 19 феврал куни

**“Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-585 сонли**

Қарорини чиқарди

# Ўзбекистон Республикаси Президенти

## 2008 йил 9 апрел куни

**“Сел тошқинлари, ер кўчкилари ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-835 сонли**

**Қарорини чиқарди**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 январ куни қабул қилинган

“Ўзбекистон Республикасида одамлар ва ҳайвонларнинг қутириш касаллигига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

32-сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил
3 апрел куни қабул қилинган
**“Фавқулодда вазиятларни башорат қилиш ва олдини олиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги**
71-сонли Қарори

# Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август куни қабул қилинган “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни

- Ушбу қонун аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишни мақсад қилиб қўяди

- **Фавқулодда вазият** - одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса ёки бошқа табиий офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият.

- **Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш** - фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи.
- **Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** - олдиндан ўтказилиб, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса одамлар соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси.
- **Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш** - фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказилиб, одамлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талофатлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарни ҳалқага олиб, хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплекси.

# АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

**ИНСОНПАРВАРЛИК, ИНСОН ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИНИНГ УСТИВОРЛИГИ**

**ОШКОРАЛИК**

**АХБОРОТНИ ЎЗ ВАҚТИДА БЕРИЛИШИ ВА ИШОНЧЛИ БЎЛИШЛИГИ**

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИНИНГ ОЛДИНДАН КЎРИЛИШИ**

- **Фуқаро муҳофазаси** - ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларни, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими.

- Қонуннинг 20-моддаси «Фуқаро муҳофазаси тузилмалари» деб номланган бўлиб, қуйидагилар белгиланган:

- фуқаро муҳофазаси тузилмаларига ЎзР фуқаролари: 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинадилар;

- сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар, 1,2,3-гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар, саккиз ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, шунингдек уч ёшга тўлмаган болалари бор, ўрта ёки олий тиббий маълумотили аёллар бундан мустасно.

# Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май куни қабул қилинган “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни

- “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўѓрисида”ги қонундан фарқли ўлароқ ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш даври масалаларига баѓишланган. Ушбу қонун фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини белгилайди.

# Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август куни қабул қилинган “Гидротехника иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни

Гидротехника иншоотларини лойихалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш, улардан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, тиклаш, концервациялаш ва тугатишда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдир.

# ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ









# Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 август куни қабул қилинган “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни

- Ушбу қонуннинг мақсади радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек, атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

# Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 28 сентябр куни қабул қилинган **“Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги** Қонуни

- Қонун хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Саноат хавфсизлиги шахс ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авариялар ва нохуш ҳодисалардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолатидир.

# ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИ








# ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТИ ХОДИМЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ (10-МОДДА)

- саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларида, шунингдек норматив-техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларга риоя этишлари;
- саноат хавфсизлиги соҳасида тайёргарликдан ва аттестациядан ўтишлари;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авария ва нохуш ҳодиса ҳақида тегишли шахсларни дарҳол хабардор қилишлари;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария ва нохуш ҳодиса юз берган тақдирда, ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб туришлари;
- хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича ишларни амалга оширишда белгиланган тартибда иштирок этишлари шарт.

# Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр куни қабул қилинган

# “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни.

- Қонуннинг мақсади терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, асосий вазифалари этиб шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш, деб белгиланди.

- **Террорчи** - террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс.
- **Террорчилик гуруҳи** – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатларини содир этиш, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга қасд қилган шахслар гуруҳи.
- **Террорчилик ташкилоти** – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви.





# Ўзбекистон Республикасининг

# “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги

Қонуни

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 23 сентябрда қабул қилинган,

сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 15 декабр куни

қабул қилинган

**“Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги**

Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2010 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ

“ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТЛАРИ ВА ҚУТҚАРУВ ТУЗИЛМАЛАРИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА”ГИ

2-СОНЛИ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябр куни

қабул қилинган

**“Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги**

Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2011 йил 8 июл куни

қабул қилинган

**“Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чаро-тадбирлари тўғрисида”ги**

202-сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 19 июл куни
қабул қилинган
**“Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги**
208-сонли Қарори

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 август куни**

**қабул қилинган**

**“Ўзбекистон Республикаси**

**фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги**

**242-сонли Қарори**

# Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик бўйича давлат стандартлари:

- **O‘z DSt 981: 2000.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари.
- **O‘z DSt 982: 2000.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар. Атамалар ва таърифлар.
- **O‘z DSt 1014: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Техноген фавқулодда вазиятлар. Атамалар ва таърифлар.
- **O‘z DSt 1015: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш. Атамалар ва таърифлар.

- **O‘z DSt 1016: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш. Асосий қоидалар.
- **O‘z DSt 1017: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Техноген фавқулодда вазиятларнинг манбалари. Шикастловчи омиллар ва улар кўрсаткичларининг таснифи ва номенклатураси.
- **O‘z DSt 1018: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар манбалари. Шикастловчи омиллар. Шикастловчи таъсир кўрсаткичларининг номенклатураси.

# Ўз.Р. Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруқлари:

- “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси тузилмалари Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги

  **2007 йил 10 ноябрдаги 3-сонли.**

- “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги

  **2008 йил 3 сентябрдаги 140-сонли.**

- “Фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича вазирликлараро ва идоралараро кундалик ўзаро ҳамкорлик ва ахборот бериш Йўриқномасини тасдиқлаш ва ҳаракатга келтириш тўғрисида”ги

  **2008 йил 26 декабрдаги 3-сонли.**

# ХУЛОСА

Шундай қилиб, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазасининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳужжатлар билан танишиб чиқдик. Бу ҳужжатлар талабларини чуқур билмасдан туриб фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини самарали амалга ошириб бўлмайди. Ҳар бир раҳбар ходим, ҳар бир фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассис бу ҳужжатларни билиб, ўрганибгина қолмай, зарур бўлган вазиятларда улардан келиб чиқадиган талабларни амалда қўллай билиши ҳам лозимдир.

Бошқача айтганда:

"Ҳар қандай қонун ижро қилинган тақдирдагина қонундир. Қонуннинг амалда ишлаши учун эса унга ёрдамчи актлар тузиш, энг асосийси эса, уни ҳаётга тадбиқ этиш керак" (И.Каримов)

Бу сўзлар бўлажак мутахасисларга янада масъулиятли вазифаларни юклайди.

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!